Тошкент кўчатчиликка ихтисослашган давлат ўрмон хўжалигида Кореянинг KOICA компанияси билан ҳамкорликда замонавий кўчатхона барпо этилмоқда. 7 гектар майдонни эгаллаган ушбу кўчатхонада 14 та смарт иссиқхона мавжуд бўлиб, уларда йирик ҳажмли ва ёпиқ илдизли кўчатлар махсус контейнерларда етиштирилмоқда.



KOICA Korea International Cooperation Agency

ЖАМИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 36 (1003)
2026 йил
17 сентябрь,
Пайшанба



ЕТТИ УСТУНГА ТАЯНГАН КЕЛАЖАК

Ҳар бир тарихий давр ўз синовларини, ўз талабларини келтиради. Бугунги кун – бир томондан, жаҳон миқёсида геосиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг тезлашуви, иқлим ўзгариши, технологик инқилоб даври бўлса, иккинчи томондан, халқимиз учун ўзлигини англаш, тараққиёт сари дадил қадам ташлаш давридир. Ана шундай масъулиятли паллада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган етти миллий дастур – бу шунчаки ҳужжат ёки режа эмас, балки миллатнинг келажакка боқиб ишлаб чиққан стратегик иродаси, халқ ва давлат ўртасидаги янги ижтимоий шартноманинг ифодасидир.

Инсон учун

Ушбу дастурларнинг ҳар бири ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар биргаликда яхлит бир тизимни – инсон капиталидан тортиб, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, экология, адолат, маҳалла ва халқаро нуфузгача бўлган барча жабҳаларни қамраб олувчи комплекс ёндашувни ташкил этади. Бу – “инсон учун” тамойилининг янги, юксак босқичга кўтарилган ифодасидир. Зеро, ҳар қандай буюк мақсад, аввало, инсоннинг билими, саломатлиги, фаровонлиги ва адолат туйғусидан бошланади.

Биринчи дастур: билим – келажак капитали

Ҳар қандай миллатнинг буюклиги, аввало, унинг илмий-интеллектуал салоҳияти билан ўлчанади. Тарих гувоҳки, қайси халқ билимга, таълимга энг кўп маблағ ва эътибор қаратган бўлса, ўша халқ жаҳон тараққиёти саҳнасида етакчилик қилган. Биринчи миллий дастур айнан шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, билим ва малакани келажак тараққиётининг асосий капиталига айлантиришни мақсад қилиб қўйган.

Болаларнинг 6 ёшли тайёрлов гуруҳларига қамровини қисқа муддатда 100 фоизга етказиш – бу шунчаки статистик кўрсаткич эмас, балки ҳар бир боланинг мактабгача таълим орқали ҳаётга тайёр бўлиб киришини таъминлаш, таълим тизимидаги тенгсизликни бартараф этиш йўлидаги қатъий қадамдир. Айни пайтда хусусий боғчалар ташкил этиш бўйича мавжуд имтиёзларнинг сақлаб қолиниши тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш билан бирга, ушбу соҳада давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг барқарор модел сифатида давом этишидан далолат беради.

Барча мактабларнинг халқаро баҳолаш дастурлари билан тўлиқ қамраб олиниши эса таълим сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ўқувчиларимиз билимини холис ва объектив баҳолаш имкониятини яратади. Бу – ўз-ўзини алдамаслик, ҳақиқий натижаларга таяниш фалсафасининг амалий кўринишидир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, техникумларда халқаро таълим стандартларини жорий этиш ва ёшларни юқори даромадли касбларга ўқитиш қамровини 1 миллионга етказиш ғояси – бу оддий рақам эмас, балки миллионлаб ёш йигит-қизларимизнинг келажагига, оилавий фаровонлигига бевосита дахлдор бўлган улкан ижтимоий лойиҳадир. “Янги Ўзбекистонда касб эгалламаган бирорта йигит-қиз қолмайди” деган тамойил – бу давлатнинг ҳар бир фуқаросига берган қатъий ваъдаси, айни пайтда ишонч мандатидир.

Иккинчи дастур: соғлом халқ – барқарор келажак

Инсон саломатлиги – ҳар қандай жамият фаровонлигининг пойдеворидир. Иккинчи миллий дастур халқимизнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар чинакам давлат сиёсатининг инсонпарварлик моҳиятини намоён этади.

Аҳоли саломатлиги билан боғлиқ давлат харажатларини келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5 фоизга етказиш – жаҳон амалиётида ҳам юксак кўрсаткич ҳисобланади. Бу маблағлар, биринчи навбатда, касалликларнинг олдини олиш, яъни профилактика тизимини кучайтиришга йўналтирилади. Чунки касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш анча самарали ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан ҳам тўғри ёндашувдир.

Давлат тиббий суғуртасининг мамлакатнинг барча хонадонларига кириб бориши – бу ижтимоий адолат тамойилининг ёркин ифодаси бўлиб, ҳар бир фуқаронинг, у қаерда яшашидан қатъи назар, сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шунингдек, дунёнинг энг нуфузли камида бешта клиникасини мамлакатимизга олиб келиш орқали ихтисослашган тиббиётда рақобат муҳитини яратиш – бу халқимизга энг илғор тиббий хизматларни ўз юртида тақдим этиш, тиббий туризм ўрнига аксинча, жаҳон мутахассисларини Ўзбекистонга жалб қилиш стратегиясидир.

Учинчи дастур: юқори технология ва меҳнат унумдорлиги сари

Иқтисодиёт – давлат қудратининг моддий асосидир. Учинчи миллий дастур иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказишни назарда тутади, бу эса мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрнини тубдан мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш режаси – бу нафақат рақам, балки мамлакатимизга бўлган халқаро ишончнинг аниқ кўрсаткичидир. 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш, саноатда 2 миллион юқори даромадли иш ўрни яратиш – бу, аввалambор, оддий фуқароларимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш йўлидаги улкан қадамдир.


Бугунги куннинг энг долзарб йўналишларидан бири – стартап, венчур ва сунъий интеллект соҳаларини ривожлантириш. Ёшларимизнинг ижодий салоҳиятини, тадбиркорлик руҳини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ана шу замонавий йўналишларга устуворлик берилиши – келажак иқтисодиётининг пойдеворини бугундан қуриш демакдир.

3

ЖАМИЯТ
2026 йил 17 сентябрь № 36 (1003)







ТАБИАТ ҚАЛҚОНИ: БИОЛОГИК РЕСУРСЛАР ИМПОРТ ВА ЭКСПОРТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасида биологик ресурсларни импорт ва экспорт қилиш муносабатлари изчил такомиллашиб бормоқда. Ер юзида табиатнинг хилма-хиллиги, муайян иқлим ва географик шароитни талаб қилувчи ресурслар мавжудлиги, шунингдек, инсон эҳтиёжлари ҳамда давлатларнинг ўз иқтисодиётини ривожлантириш мақсадлари ушбу жараённинг халқаро даражада оммалашувига олиб келди.

Биологик ресурслар билан халқаро савдо қилишдан кўзланган асосий мақсад – давлатнинг турли соҳаларини ривожлантириш ҳамда аҳоли эҳтиёжларини самарали қондиришдир. Масалан, тиббиёт ва фармацевтика соҳасини олсак, биологик ресурслар таркибига кирувчи флора ва фауна объектлари, микроорганизмлар ва генетик материаллар амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар асосида импорт ва экспорт қилинади. Натижада инсонлар соғлиғи билан боғлиқ кўплаб глобал муаммолар ўз ечимини топади.

Бундан ташқари, тўғри йўлга қўйилган импорт-экспорт тизими экологияни ва ноёб турларни асрашга хизмат қилади. Маълум бир ноёб ўсимлик ёки ҳайвон тури мамлакатимиз иқлимига, географик жойлашувига мослашмаган бўлиши, унинг ривожланиши ва кўпайиши учун табиий муҳит етишмаслиги мумкин. Шундай ҳолатларда ушбу турнинг мавжудлигини сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида уни қулай иқлимга эга ўлкаларга экспорт қилиш амалиёти қўлланилади.

Хавотирли статистика ва СИТЕС конвенцияси

Аммо инсониятнинг табиатга бўлган тажовузи ва лоқайдлиги оқибатида аянчли ҳолатлар юзага келмоқда. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, 1900 йилдан бери сайёрамиздаги асосий яшаш жойларида табиий биологик хилма-хиллик 20 фоизга камайди. Бугунги кунда кўплаб турлар, жумладан, амфибиялар, маржонлар ва денгиз сут эмизувчилари бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди.

Биттагина турнинг йўқолиши инсон фаровонлиги ва глобал экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатувчи кенг тарқалган занжирли оқибатларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам биологик ресурслар билан савдо қилишда муайян қатъий белгиланган, халқаро стандартларга эга бўлган қоидалардан фойдаланиш зарур.

Биохилма-хилликни сақлаш масаласи долзарб муаммога айлангани боис, дунё миқёсида биологик ресурсларни олиб кириш ва олиб чиқишнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби жорий этилди. Халқаро даражада бу фаолиятни тартибга солувчи биринчи ва энг муҳим ҳужжат – СИТЕС (CITES) конвенцияси ҳисобланади. Бу – Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция бўлиб, 1973 йилнинг 3 мартида Вашингтонда (АҚШ) имзоланган ва 1975 йил 1 июлдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси ушбу нуфузли халқаро ҳужжатга 1997 йилда тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилган.

Турлар таснифи ва халқаро назорат

СИТЕС конвенцияси биологик ресурсларни олиб кириш, олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича қатъий меъёр ва чекловлар ўрнатади. Ҳужжатга кўра, муҳофазага муҳтож бўлган биологик ресурслар учта илова (тур)га бўлиб рўйхатга олинади:

• Биринчи турга – йўқ бўлиб кетиш хавфи энг юқори бўлган, алоҳида муҳофаза этиладиган турлар киритилади. Улар билан тижорат мақсадида савдо қилиш тақиқланади, фақат илмий мақсадларда ёки истисноий ҳолатлардагина рухсат берилади.

• Иккинчи турга – бугунги кунда йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлмаса-да, агар савдоси назорат қилинмаса, келажакда ушбу хавфга учраш эҳтимоли бор турлар киради. Уларнинг савдоси барқарорликка дахл қилмаган ҳолда, қатъий мониторинг остида амалга оширилади.

• Учинчи турга – муайян бир давлат томонидан ўз ҳудудида ҳимоя қилинадиган ва халқаро миқёсда контрабандасининг олдини олиш мақсадида СИТЕС рўйхатига киритилган турлар киради. Бунинг сабаби, бир давлатда камёб бўлган биологик ресурс бошқа ўлкада барқарор мавжуд бўлиши мумкин.

Бугунги кунда мазкур конвенция 180 дан ортиқ мамлакат томонидан ратификация қилинган. Агар ушбу давлатлар СИТЕС доирасига кирувчи турлар билан савдо қилмоқчи бўлса, ўз мамлакатидаги миллий СИТЕС маъмуриятидан махсус рухсатнома олиши шарт. Ўзбекистон ҳам ушбу тизимга қўшилганидан сўнг, ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишга қаратилган халқаро меъёрларга изчил риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Миллий қонунчилик тизимидаги ислоҳотлар

Ўзбекистон қонунчилигида ҳам биологик хилма-хилликни сақлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш борасида бир қанча муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мамлакатимиз томонидан БМТнинг Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияси ҳамда унинг Биохавфсизлик бўйича Картахена протоколи ратификация қилинган.

Ушбу халқаро мажбуриятлар ижросини таъминлаш мақсадида миллий қонунчилигимизда ижро органлари томонидан тизимли ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 майдаги 275-сонли қарори айнан Картахена протоколи қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қабул қилинган.

Бундан ташқари, Ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари билан табиатдан фойдаланиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, флора ва фауна дунёси объектларини мамлакатга олиб кириш ва олиб чиқиш меъёрлари аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу тартибга кўра, умумий фойдаланиш меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади. Ёввойи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини четдан олиб кириш ҳамда четга олиб чиқиб кетиш учун махсус рухсатномалар қўмита томонидан расмийлаштирилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, биологик ресурсларни олиб кириш ва олиб чиқишга нисбатан алоҳида ҳуқуқий тартибнинг жорий этилиши ва унинг халқаро миқёсда қатъий назорат қилиниши, аввало, экологик жиноятларга ва ноқонуний савдога чек қўяди. Энг муҳими, бу тизим она табиатнинг бетакрор бойлиги бўлган, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини келажак авлодлар учун омон сақлаб қолишнинг бош кафолатидир.

Моҳинур МУРОДОВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

ЖАМИЯТ
2026 йил 17 сентябрь № 36 (1003)

ЕТТИ УСТУНГА ТАЯНГАН КЕЛАЖАК



1

Кичик бизнеснинг ўрта бизнесга, ўрта корхоналарнинг эса йирик компания ва корпорацияларга айланиши учун яхлит экотизим яратиш ғояси – тадбиркорлик занжирининг барча бўғинларини уйғун ривожлантириш фалсафасини акс эттиради. Буларнинг барчаси, охир-оқибат, келгуси ўн йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 10 минг долларлик маррадан ошириш – яъни ҳар бир оиланинг фаровонлигини юксалтириш мақсадига хизмат қилади.

Тўртинчи дастур: сув ва табиатга муносабатни янгилаш

Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини асраш ва экологик мувозанатни сақлаш – нафақат минтақавий, балки умумбашарий аҳамият касб этаётган муаммолардан биридир. Тўртинчи миллий дастур айнан шу масалага – сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга қаратилган.

Келгуси беш йилда экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар қамровини 100 фоизга етказиш – бу, биринчи навбатда, келажак авлодлар олдидаги масъулиятимизнинг ифодасидир. Сув – ҳаёт манбаи, ва уни тежаб-тергаб ишлатиш, замонавий технологиялар асосида бошқариш эндиликда умуммиллий маррага, яъни ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир хўжаликнинг бурчига айланмоқда. Бу дастур қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, экологик барқарорликни таъминлашнинг ҳам ишончли кафолатидир.

Бешинчи дастур: адолат ва қонун устуворлиги

Адолат қарор топган жойда иқтисодий ўсиш ҳам, ижтимоий ишонч ҳам юксалади – бу ҳақиқат ҳар қандай жамият тараққиётининг асосий қонуниятидир. Бешинчи миллий дастур суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашни умумий қадриятга айлантиришга қаратилган.

Ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаб тизимли асосда йўлга қўйиш – бу келажакда ҳуқуқий онги юксак, қонунга ҳурмат билан қарайдиган фуқаролар жамиятини шакллантиришнинг узоқ муддатли, аммо энг самарали йўлидир. Фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний кафолатларини кучайтириш бўйича ислоҳотларнинг изчил давом эттирилиши эса бизнес муҳитига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Айни пайтда кибержиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдосига қарши кураш чораларининг кучайтирилиши, “яширин иқтисодиёт”, уюшган жиноятчилик, аёллар ва болалар ҳуқуқини камситишга қарши муросасиз курашнинг янги босқичга кўтарилиши – бу жамиятимизни ҳар томонлама соғломлаштириш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг аниқ ифодасидир.

Олтинчи дастур: маҳалла – тараққиётнинг бош буюртмачиси

Халқимизнинг кайфияти, оилаларнинг фаровонлиги, ёшларнинг орзу-умидлари, тадбиркорларнинг ташаббускорлиги – буларнинг барчаси, аввало, маҳаллада намоён бўлади. Шу боис олтинчи миллий дастур маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантиришга қаратилган бўлиб, бу – давлат бошқаруви фалсафасидаги туб бурилишдир.

Эндиликда давлат дастурларини ишлаб чиқишга ёндашув бутунлай ўзгаради: туман бюджети, инвестиция дастурлари ва инфратузилма лойиҳалари “юқоридан” эмас, балки маҳалла буюртмаси, яъни бевосита халқнинг ўзи билдирган талаб ва эҳтиёж асосида шакллантирилади. Бу – фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг, давлат ва халқ ўртасидаги ишончни янада чуқурлаштиришнинг амалий механизмидир. Маҳалланинг фаровонлиги энг асосий мезон сифатида белгиланиши – бу, охир-оқибат, ҳар бир инсоннинг овози эшитилиши, унинг манфаати ҳисобга олиниши кафолатидир.

Еттинчи дастур: тинчлик ва дўстлик диёри сифатидаги нуфуз

Еттинчи миллий дастур – Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги халқаро нуфузини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган. Мамлакатимизнинг очиқ, прагматик ва тинчликпарвар ташқи сиёсати – бу нафақат дипломатик ютуқ, балки халқимизнинг узоқ муддатли, барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим шартидир.


Зеро, тинчлик ва барқарорлик бўлмаган жойда на иқтисодий ўсиш, на ижтимоий фаровонлик мумкин. Ўзбекистоннинг минтақада ва ундан ташқарида тинчликпарвар, ҳамкорликка йўналтирилган сиёсат юритиши – бу мамлакатимизнинг нафақат ўз фуқаролари, балки бутун минтақа халқлари олдидаги масъулиятининг ҳам ифодасидир.

Ушбу дастурларнинг ҳар бири ортида – миллионлаб фуқароларимизнинг келажакка бўлган умиди, ишончи ва орзу-армонлари ётибди. Президентимиз томонидан эълон қилинган бу стратегик йўналишлар – Янги Ўзбекистоннинг нафақат бугунги кунини, балки келажак авлодлар тақдирини ҳам белгилаб берувчи тарихий аҳамиятга молик қарорлардир. Бизнинг ҳар биримизнинг вазифамиз – ушбу улуғвор мақсадларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, ўз меҳнати ва билими билан бу буюк йўлга ҳисса қўшишдир. Чунки, охир-оқибат, Ватан тараққиёти – ҳар биримизнинг шахсий масъулиятимиз ва ҳалол меҳнатимиз мевасидир.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор, “Маърифат”
тарғиботчилар жамияти аъзоси

Янгилик

ОВ ҚИЛИШ ВА ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ



Ўзбекистонда ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган 1172-сон Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун билан «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Қурол тўғрисида» ҳамда «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Янги нормалар ов қилиш жараёнларини тизимлаштириш, овчилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг шаффоф механизмларини яратишга қаратилган.

Қонунга кўра, овчилик гувоҳномаларини бериш давлат хизматлари орқали амалга оширилиши белгиланмоқда. Ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкалари – овчилик йўлланмаларини бериш махсус электрон дастур орқали амалга оширилади. Бу ов қилиш жараёнини рақамлаштириш ва шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, ов қилиш жойлари аниқ белгиланади. Ов қилиш фақат овчилик хўжаликларига бириктирилган жойларда, шунингдек, белгиланган эркин ов қилиш жойларида амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Эркин ов қилиш жойлари ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Қолаверса, овчилик хўжаликлари учун ер ажратишнинг янги механизми жорий этилади. Бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ҳамда ўрмон фонди ерларидан овчилик базаларини ташкил этиш учун 10 гектаргача, питомниклар барпо этиш учун 100 гектаргача ер участкаларини инвестициявий ва шартномавий мажбуриятлар асосида электрон онлайн-аукцион орқали ижарага бериш назарда тутилмоқда. Бунда ердан фойдаланиш фақат ов қилиш билан чекланмайди. Питомникларда ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш, уларни табиий муҳитга қайта жойлаштириш ва овчилик хўжаликларида биохилма-хилликни оширишга қаратилган фаолиятга ҳам имконият яратилади.

Бундан ташқари, питомниклар ташкил этиш бўйича мажбурият белгиланади. Агар ер ижарага берилганидан кейин 2 йил муддат ичида ёввойи ҳайвонларни етиштириш ва такрор кўпайтириш бўйича питомник инфратузилмаси ёки такрор кўпайтириш участкаси ташкил этилмаса, ижара шартномаси бекор қилиниши белгиланмоқда.

Қонунга кўра, ов квоталарини белгилашда илмий ёндашув кучайтирилади. Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни белгилаш ва тақсимлашнинг илмий асосланган механизмлари мустаҳкамланади. Бу ҳайвонлар сони ва популяцияларини ҳисобга олган ҳолда ов қилиш ҳажмини белгилаш имконини беради.

Шу билан бирга, питомникларда етиштирилган ҳайвонларни табиий муҳитга қўйиб юбориш рағбатлантирилади. Овчилик хўжаликларига питомникларда етиштирилиб, табиий муҳитга қўйиб юборилган ёввойи ҳайвонлар сонига мутаносиб равишда, уларнинг урчиш давридан ташқари вақтларда ов қилишни ташкил этиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда.

Қонуннинг асосий мақсади – овчилик соҳасида ягона ва шаффоф ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, ов қилиш устидан назоратни кучайтириш, ҳайвонот дунёси ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва овчилик хўжаликларини ривожлантириш билан бирга биохилма-хилликни сақлашдир. Шу тариқа, овчилик фаолиятини фақат ов қилиш жараёни сифатида эмас, балки ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш, уларни кўпайтириш, табиий муҳитни асраш ва ов туризми инфратузилмасини ривожлантириш билан уйғунлаштирган ҳолда ташкил этиш учун ҳуқуқий асослар кучайтирилмоқда.

Қонун 2026-йил 10-сентябрдан кучга кирди.

ЖАМИЯТ
2026 йил 17 сентябрь № 36 (1003)



ТУПРОҚҚА ТЎКИЛГАН НУР, ТОШЛАРГА КЎЧГАН САКИНАТ

Ижодкор аҳлининг ҳаёти йўлларда ўтади. Касб тақозоси билан юртимизнинг жуда кўп гўшаларини кезганман, не-не муҳташам обидалар, кўкка бўй чўзган баланд минораларни кўрганман. Аммо Самарқанддан чиқиб, Пайариқ туманидаги Хартанг қишлоғи томон юрар эканман, машинам ойнасидан эсаётган майин баҳор шамоли димоғимга мутлақо бошқача бир ифорни олиб келди. Бу илмнинг, иймоннинг ва хокисорликнинг ифори эди.

2026 йилнинг Рамазон ойида муҳташам қиёфада очилган Имом Бухорий мажмуаси остонасидан ҳатлаб ўтганим ҳамоно, ичимдаги «расмий журналист» бирдан сукут сақлади-ю, ўрнини оддий бир мўмин, бир ўзбек зиёлисининг ҳайрати ва ҳаяжони эгаллади.

Биз бу ерга келганда нимани кутган эдик ва аслида нимани топдик? Кўпчилик шунчаки кенгайтирилган масжид ёки чиройли зиёратгоҳ кўришни кутган бўлиши мумкин. Аммо меъморчиликнинг ушбу улуғвор дурдонаси қаршисида турганда, инсон ўз-ўзидан кутмаган, фақат қалб кўзи билан илғаб олинадиган шундай самимий ҳақиқатларга дуч келар эканки, бу ҳақда шукроналик билан ёзмасликнинг иложи йўқ.

Асрларга татигулик маҳобат

Техник рақамлар ҳақида гапирганда ақл шошади: лойиҳа асосида мажмуа майдони нақд 45 гектарга кенгайтирилди. Марказда 10 минг кишини бир вақтнинг ўзида бағрига ололадиган улкан масжид, баландлиги 75 метр бўлган 4 та улуғвор минора ва миллий услубда ишланган 154 устунли муҳташам айвон қад ростлабди. Илгари бу ер бир кунда аранг 12 минг зиёратчини қабул қилган бўлса, бугунги кунда ушбу муқаддас қадамжонинг қуввати 65 минг кишини ташкил этмоқда. Мажмуага ёндош 15 гектар майдонда замонавий меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари ва хизмат кўрсатиш нуқталари барпо этилган.

Бироқ, журналист сифатида мен бу улкан маҳобат ортида, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юксак миллий ғурури, сиёсий иродаси ва қатъиятини кўрдим. Ушбу мажмуани қайта қуриш ғояси илк бор ўртага ташланганда, кўпчилик бунчалик кенг кўламли, асрларга татигулик лойиҳани амалга ошириш мумкинлигига шубҳа билан қараган эди. Аммо давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзлари қурилишнинг ҳар бир босқичини назорат қилиб, «Бу ер нафақат зиёратгоҳ, балки дунё ислом маърифатининг энг катта маркази бўлиши керак», дея қатъий талаб қўйдилар. Раҳбарнинг мана шу қатъияти ва узоқни кўра билиш сиёсати туфайли бугун Самарқанд тупроғида миллатимизнинг минг йиллик юзини ёруғ қиладиган мўъжиза содир бўлди.

Муҳаддислар султони бўлмиш Имом Бухорий бобомиз ўз даврида илм излаб минглаб чақирим йўл босган. У зотнинг ҳаёти заҳмат ва машаққатдан иборат эди. Мана, орадан асрлар ўтиб, Аллоҳ таоло у зот хоки ётган тупроқни шундай улуғладики, дунёнинг тўрт бурчагидан келган мўмин-мусулмонлар ҳеч қандай қийинчиликсиз, шоҳона шароитларда у зотнинг меросини ўрганмоқдалар. Бу бизга шуни ўргатади: илм ва иҳлос йўлида қилинган ҳеч бир амал беиз кетмайди. Янгиланган мажмуанинг ҳар бир мармар тоши бизни сабр ва меҳнат ортидаги мукофотга ишонишга, Яратганнинг ушбу кунларига шукрона айтишга ундайди.

Оддийликдаги буюклик

Қурилиш жараёни бир неча йил давом этди. Ва шу йиллар давомида бир ҳақиқатга гувоҳ бўлдик: Давлатимиз раҳбари Самарқандга ҳар гал келганида, албатта, Хартангга, Имом Бухорий мажмуасига келди. Бу ерда расмий мажлислар бўлмади. Раҳбар пастроқ пахса деворлар ёнида, қурилиш чанглари орасида оддийгина бўлиб юрди.

Мени журналист, инсон сифатида энг қаттиқ таъсирлантирган, кўзларимга ёш қалқитган жиҳат бошқа нарса бўлди. Президентимиз қурилиш майдонига келганида фақат чизмаларга қарамади. У атрофдаги маҳаллаларда яшовчи оддий одамлар, хонадон эгалари билан, қўллари қадоқ бўлган ғишт теручи усталар, ёғоч ўймакорлари билан соатлаб самимий суҳбат қурди. Уларнинг ҳол-аҳволини, бола-чақасининг соғлиғини сўради.

Ҳатто ишониш қийин бўлган бир воқеани айтиб беришди: Президент қурувчиларнинг ётоқхоналари, шароитлари ва энг муҳими – кундалик ейдиган ош-овқатигача суриштирган, «Усталаримиз нима еяпти? Овқати тўйимлими, гўшти жойидами? Улар уйидан узоқда, меҳнат қиляпти, барака топгурлар, уларга ҳамма шароитни қилиб беринглар», деб куйинган экан.

Бу қанчалар буюклик ва қанчалар бағрикенглик! Дунёда давлат раҳбарлари кўп, лекин улкан глобал муаммолар, халқаро сиёсат қайнаб турган бир пайтда, қурилишдаги оддий ишчининг иссиқ-совуғи ва қозонидаги овқатигача қайғурадиган Раҳбарни топиш жуда қийин. Мана шу меҳр, мана шу оддийлик ва бағрикенглик – Имом Бухорий бобомиз бутун умр китобларига битган ўша олийжаноб мусулмонлик хулқининг амалдаги жонли ифодаси эмасми?!

Устунлар шивири ва ижодкор қалби

Мажмуанинг айвон қисмига қадам босганимда, юқорига тикилиб беихтиёр тўхтаб қолдим. Ёғоч ўймакорлиги санъатнинг олий намунаси бўлган 154 та устун худди жонли дарахтлардек саф тортиб турибди. Бу устунлар шунчаки бинони ушлаб турган тиргаклар эмас. Уларнинг ҳар бирида юртимизнинг узоқ-узоқ қишлоқларидан келган, Президентимизнинг ўша юксак эътибори ва ғамхўрлигидан руҳланган оддий усталарнинг меҳнати, қалб қўри ва дуолари яширинган.

Бу устунларга қараб туриб, биз ўзликни англаш нақадар муҳимлигини тушунамиз. Биз кимнинг авлодларимиз? Биз фақат бой тарихга эга эмас, балки ўша тарихни бугунги кунда ҳам давом эттиришга қодир, қўли гул миллатмиз! Айвон остидаги устунлар оралаб юрганингизда, майин эсаётган шамол ёғочларнинг ифорини димоғингизга олиб келади. Шунда қалбингиздан бир туйғу ўтади: «Эй Аллоҳим, бизга ўз ота-боболаримизнинг санъатини, иймонини ва маданиятини мана шундай гўзал шаклда тиклаш бахтини берганинг учун Ўзингга ҳамдлар бўлсин!»

Биз кутмаган мўъжиза

Янги мажмуанинг мен учун энг кутилмаган ва ҳайратланарли масканларидан бири – бу Имом Бухорий ҳаёти ва илмий меросига бағишланган инновацион музей бўлди. Ушбу музей 9 та тематик павильондан иборат бўлиб, у ерда энг илғор ахборот технологиялари ва рақамли тизимлар ўрнатилган.

Музей ичига кирар экансиз, сиз шунчаки қадимий экспонатларни кўрмайсиз, балки VII–IX асрлар муҳитига, ҳадис илмининг шаклланиш жараёнига саёҳат қиласиз. Экранларда Имом Бухорийнинг туғилган жойи, у зотнинг Макка, Мадина, Бағдод, Басра ва Куфа шаҳарларига қилган илмий сафарлари харитаси жонланади. Қуръони каримда исмлари зикр этилган 25 пайғамбар тарихи, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажаралари визуал шаклда намойиш этилади.

Кўпчилик дин ва фанни, иймон ва технологияни бир-бирига қарама-қарши деб ўйлайди. Аммо ушбу инновацион музей замонавий технологиялар иймонга, илмга ва маърифатга қандай гўзал хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Биз фарзандларимизни телефон ва гаджетлардан чалғитолмай хуноб бўлаётган бир даврда, ушбу музей технология орқали уларнинг қалбига Имом Бухорий меросини сингдириш имкониятини берди. Бу қандай катта неъмат ва қандай буюк шукроналик сабабидир!

Тарих адолати

Имом Бухорий мажмуасининг янгиланиши бизга яна бир катта дарсни беради. Ислом оламида Қуръондан кейинги энг ишончли манба деб тан олинган «Саҳиҳ ал-Бухорий» китобидир. Аммо яқин тарихимизда – шўролар даврида бу китобларни ўқиш, сақлаш тақиқлангани, бобомизнинг қабри қаровсиз ва унутилган бир аҳволда бўлганини катта авлод, ота-онала-

римиз яхши эслашади.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келган илк кунлариданоқ айнан мана шу маънавий адолатни тиклашга киришди. Бу шунчаки қурилиш эмас, бу – миллатнинг йўқолган қалбини ва тарихий хотирасини ўз эгасига қайтариш лойиҳаси эди. Бугун мажмуа қошида нафақат зиёратгоҳ, балки Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби фаолият юритмоқда. Бу ерда дунё даражасидаги олимлар етишиб чиқмоқда. Бу – тарихнинг энг катта адолатидир. Тошлар ва бинолар вақт ўтиши билан емирилиши мумкин, аммо ҳақиқий илм ва маърифат абадий яшайди.

Кўз ёшларда акс этган бирдамлик

2026 йилнинг Рамазон ҳайити намози ушбу янги мажмуада ўзгача бир руҳда адо этилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий ҳазратлари бошчилигида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган нуронийлар, уламолар ва ўн минглаб оддий инсонлар янги масжид саҳнида елкама-елка туриб намоз ўқидилар.

Ўша куни намоздан сўнг қилинган дуолардан жуда кўпчиликнинг, жумладан, менинг ҳам кўзимга ёш келди. Бу қувонч ва шукроналик ёшлари эди. Чунки инсонлар янгиланган мажмуада фақат гўзал меъморчиликни эмас, балки миллатнинг бирдамлигини, қалбларнинг яқинлигини ҳис қилдилар.

Хартанг қишлоғидаги ушбу янгиланган обидадан ортга қайтар эканман, машинам ойнасидан узоқлашиб бораётган тўртта улуғвор минорага қараб хаёлга толдим. Мен у ерда фақат янги биноларни эмас, балки миллатимиз руҳиятининг янгиланишини, давлат раҳбарининг халқнинг маънавий ҳаётига ва ҳар бир оддий инсон тақдирига бўлган чексиз ҳурмати, асрларга татигулик жасоратини кўриб қайтдим.

Бугун ҳар бир юртдошимга, замондошимга айтар сўзим бор: келинг, мана шундай буюк аждодларнинг вориси эканлигимиздан, уларнинг хотирасини улуғлаб, оддий қурувчининг овқатигача қайғурадиган оқибатли Раҳбаримиз борлигидан фахрланиш билан бир қаторда, бизга берилган тинчлик, фаровонлик ва илм неъматининг ҳам қадрига етайлик. Бобомиз Имом Бухорий ўз ҳаётини бағишлаган гўзал хулқ, тўғрилик ва илм йўлидан юриш – бизнинг у зотга ва ушбу муқаддас заминни тиклаганларга бўлган энг катта миннатдорчилигимиз бўлади.

Мақсуд ХОН

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ



Янги Тошкентда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз бир фикрни алоҳида ишонч билан таъкидлади: “Биз бугун кечагидан кучлимиз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз”. Бу сўзлар оддий байрам табриги эмас. Унда ўтган даврга берилган баҳо ҳам, бугунги ҳолатнинг моҳияти ҳам, мамлакат олдида турган янги вазифаларнинг мазмуни ҳам мужассам.

Зеро, мустақилликнинг 35 йиллиги — фақат ортда қолган йилларни хотирлаш санаси эмас. Бу — босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, қайси натижалар мамлакатни бугунги нуқтага олиб келганини англаш, эришилган марралар билан чекланиб қолмасдан, кейинги ўн йиллик учун янада баланд мақсадларни белгилаш палласидир.

Ўзбекистоннинг кейинги ўн йиллик тараққиёти ҳақида гап кетганда, иқтисодий рақамлар қанчалик муҳим бўлмасин, асосий ўзгаришни фақат улар билан ўлчаб бўлмайди.

Энг муҳим бурилиш — давлат сиёсати марказида инсон қадри, унинг ҳуқуқи, эркинлиги ва муносиб ҳаёти масаласининг тобора устувор ўрин эгаллаганидир.

Президент нутқида таъкидланганидек, сўнгги ўн йилда мамлакатда одамларни йиллар давомида қийнаб келган қатор тизимли муаммоларга барҳам берилди. Бу ўзгаришларнинг аҳамиятини фақат норматив ҳужжатлар билан баҳолаш камлик қилади. Чунки ҳар қандай ислоҳотнинг ҳақиқий қиймати одамнинг кундалик ҳаётида сезилганда намоён бўлади.

Инсон ўз меҳнати натижасидан эркинроқ фойдалана бошласа, мамлакатга кириб-чиқиши, бизнес бошлаши, валюта операцияларини амалга ошириши, фарзандининг таълими ва келажаги ҳақида кўпроқ имкониятга эга бўлса — бу иқтисодий ёки маъмурий ислоҳотгина эмас. Бу инсоннинг давлат ва жамиятда бўлган муносабатининг ўзгаришидир.

Президентнинг “Инсон қадри учун!” ғоясини давлат сиёсатининг марказига олиб чиқиш ҳақидаги фикри шу нуқтада алоҳида аҳамият касб этади. Тараққиётнинг энг оддий ва энг ишонарли мезонларидан бири — одамларнинг яшаш шароити.

Президент нутқида кейинги даврда 650 мингдан зиёд оила замонавий уй-жойга эга бўлгани қайд этилди. Минглаб маҳаллаларда янги инфратузилма ва янги қиёфа шакланмоқда.

Бу рақам ортида минглаб оилаларнинг ҳаёт тарзи ўзгаргани, болалар учун бошқа шароит пайдо бўлгани, маҳалланинг ижтимоий муҳити янгиланган каби жараёнлар турибди.

Таълим соҳасидаги ўзгаришлар эса бу жараённинг узоқ муддатли натижасини белгилайди.

Сўнгги ўн йилда аҳоли 8 миллионга кўпайганига қарамасдан, мактабгача таълим қамрови 78 фоизга етказилди. Мактабларда 1,5 миллион қўшимча ўқувчи ўрни яратилди. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайди. Олий таълимда талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етди. Эътиборли жиҳати — уларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бу рақамларнинг ҳар бири келажакка қилинган инвестициядир.

Чунки мактаб ёки университет фақат бино эмас. У — мамлакатнинг эртанги интеллектуал салоҳияти.

Бугун олий таълимга кирган 18–20 ёшли талаба ўн йилдан кейин иқтисодиёт, тиббиёт, таълим, давлат бошқаруви, технология ёки тадбиркорлик соҳасида қарор қабул қиладиган мутахассисга айланади. Демак, таълим қамровининг кенгайиши бугунги статистика эмас, эртанги миллий қудратнинг асосидир.

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун мамлакатнинг келажаги ҳақидаги ҳар қандай стратегик режа охир-оқибат ёшларнинг билим ва салоҳиятига бориб тақалади.

Президент нутқида ёшларни қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили 20–25 триллион сўм ажратилаётгани, мамлакат бизнес вакилларининг 35 фоизини ёш тадбиркорлар ташкил этаётгани қайд этилди.

Спортдаги натижалар ҳам бу жараённинг яна бир кўриниши. Олимпиада ва Паралимпиададаги ютуқлар, халқаро фан олимпиадаларидаги натижалар, футбол терма жамоасининг илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этиши — буларнинг барчаси мамлакатда янги авлоднинг шаклланаётганини кўрсатади.

Энг муҳим вазифа — ўз келажагини мамлакат келажаги билан боғлайдиган, билим олишдан қўрқмайдиган, янги касбларни эгаллайдиган, тадбиркорликка интиладиган ва ўз фикрига эга авлодни тарбиялаш.

Чунки кейинги ўн йилликда Ўзбекистонни айнан шу авлод бошқаради, ишлаб чиқаради, даволайди, ўқитади, технология яратади ва дунёга танитади.



35 йиллик тарих бизга бир муҳим ҳақиқатни кўрсатди: тараққиёт ҳеч қачон тугалланган ҳолат эмас. Кеча эришилган ютуқ бугунги вазифа учун пойдеворга айланади. Бугунги натижа эса эртанги маррани белгилайди.

Шу маънода “кечагидан кучли” деган тушунча фақат иқтисодий кўрсаткични англатмайди.

Кечагидан кучли давлат — таълим сифати юқори давлат. Кечагидан кучли жамият — инсон ҳуқуқи ва қадрига ҳурмат кучли жамият. Кечагидан кучли иқтисодиёт — технология, инвестиция ва меҳнат унумдорлигига таянадиган иқтисодиёт. Кечагидан кучли маҳалла — одамларнинг муаммосини эшитадиган ва уни ҳал қилишда иштирок этадиган маҳалла. Кечагидан кучли ёш — билимли, касбли, мустақил фикрлайдиган ва ташаббус кўрсатадиган ёш. Кечагидан кучли Ўзбекистон эса ўз тараққиётини бошқа бировнинг режасига эмас, ўзининг миллий салоҳияти, меҳнати, билим ва тажрибасига таянадиган мамлакатдир.

Президент таъкидлаганидек, халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ.


Ўзбекистоннинг кейинги ўн йиллиги ана шу ишончни амалий натижага айлантирадиган давр бўлиши керак.

Зеро, янги тарих тайёр ҳолда келмайди. Уни ҳар куни, ҳар бир меҳнат, ҳар бир билим, ҳар бир ҳалол ташаббус, ҳар бир янги ғоя билан одамларнинг ўзи яратади. Ва бугун Ўзбекистон ана шундай янги тарихни яратиш учун кечагидан кучлироқ, эртага эса бугунгидан ҳам кучлироқ бўлиш имкониятига эга.

Камолахон АБДУРАЗАКОВА,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

ЖАМИЯТ

2026 йил 17 сентябрь № 36 (1003)



ВАТАНПАРВАРЛИК АЛИФБОСИ ОНА АЛЛАСИДАН БОШЛАНАДИ

Ўтган куни бекатда бир манзара гувоҳи бўлдим. Мактаб ёшидаги икки бола ўзаро гаплашяпти. Бирининг қўлида қимматбаҳо телефон, кўзлари виртуал дунё ўйинларига гипнозлангандек михланган. Наригиси нимадир деди.

Телефонга тикилгани шеригига қараб, шундай жавоб берди: «Короче, менга барибир, ўзинг решать қил...» Орадан икки сония ўтмай, уларнинг суҳбатига инглизча, русча ва аллақандай интернет «жаргон»лари аралашиб кетди. Тушунган одамга бу мулоқот худди бир нечта тилнинг синиқларидан ясалган хунук бир қоришмани эслатарди. Уларнинг тилида ўзбекона оҳанг, миллий жозиба ёки бир тизимли мантиқ йўқ эди. Шунчаки сўзлар тўплами...

Бекатдан узоқлашар эканман, хаёлимга бир фикр келди. Биз ҳар йили куз келиши билан мажлислар залини тўлдириб, тил байрамини катта дабдаба билан нишонлаймиз. Саҳналардан туриб она тилимизнинг нақадар бойлиги, гўзаллиги, Алишер Навоий мероси ҳақида соатлаб нутқ сўзлаймиз. Қарсаклар чалинади, ҳисоботлар ёзилади, гўёки ҳаммаси жойидадек. Аммо ўша зални тарк этиб, кўчага чиққанимизда, оддий дўконда, маиший ҳаётда ёки мана шу бекатдаги болалар тимсолида аччиқ ҳақиқатга дуч келамиз.

Биз қаерда хато қиляпмиз? Нега қоғоздаги ватанпарварлик билан ҳаётдаги воқелик бир-бирига мос келмаяпти?

Сохта замонавийлик тузоғи

Тилни асраш ва унга риоя этиш фақатгина расмий тадбирларда тўғри гапириш ёки имло қоидаларига амал қилиш дегани эмас. Бу – кундалик маданиятимиз, ички андишамиз мезонидир. Афсуски, бугун кўча-кўйда, ижтимоий тармоқларда ёшларнинг ўз она тилига бўлган лоқайдлигини кўриб, дилинг хуфтон бўлади. Икки оғиз ўзбекча сўзнинг орасига бегона сўзларни қўшиб гапиришни «замонавийлик» деб билиш, ўз фикрини она тилида равон баён қила олмаслик – маънавий қашшоқлик белгисидир.

Бугун замон ўзгарди, деб ўзимизни овутамиз. Тўғри, фарзандларимизнинг бир нечта хорижий тилларни билиши, дунё илм-фанини эгаллаши – бу зарур эҳтиёж, давр талаби. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин алам қиладигани шундаки, бугун кўплаб ота-оналар боласини инглиз ёки рус тили тўгаракларига беришни шараф деб билади-ю, аммо ўша боланинг ўз она тилида икки оғиз сўзни тўғри, имло хатоларсиз айта олмаслигига лоқайд қарайди. Боласи уйда бегона тилда чулдираса, суюнган ота-оналар бор. Аслида бу фахрланадиган эмас, ўйланадиган ҳолат.

Муаммонинг илдизи чуқурроқ. Тил – шунчаки грамматика қоидаларининг ёки сўзлар луғатининг йиғиндиси эмас. Тил – бу миллатнинг руҳий дунёси, унинг феъл-атвори ва ички андишасидир. Инсон дунёни қайси тилда англаса ва қабул қилса, унинг ватанпарварлик туйғуси ҳам ўша тил илдизидан сув ичади.

Агар ўсиб келаётган ёш авлод ўз она тилининг латофатини ҳис қилмаса, унда Навоий ғазалларининг мағзини чақадиган тафаккур қандай шаклланади? Аждодлар тарихига бўлган садоқат қаердан пайдо бўлади? Ўз тилини менсимаган, уни иккинчи даражали деб ҳисоблаган бола улғайганида Ватанга қандай хизмат қилиши мумкин?

Кўчаларимиздаги реклама баннерлари, дўконларнинг номланишига эътибор беринг. Аллақандай бегона сўзлар, мантиқсиз иборалар тўлиб кетган. Бу ҳам етмаганидек, оддийгина ўзбекча сўзлар ҳам шундай хатолар билан ёзилганки, ўқиб уялиб кетасан киши. Бу лоқайдлик кўчадан бошланиб, боланинг онгига сизиб киради. Биз тилни асрашни фақат кўчадаги ўша хато ёзилган пешлавҳаларни тўғрилашдан иборат деб ўйлаймиз. Аслида эса, тилга бўлган ҳурмат оила бағридан, ота-онанинг тилидан бошланади.

Бугун дунё глобаллашув ва ахборот шиддати асрида яшамоқда. Ёшларимиз ижтимоий тармоқлар, виртуал олам ва хорижий контентлар таъсирида улғаймоқда. Бундай шароитда уларни бегона ғоялардан, маданиятлар қоришиб кетишидан асрайдиган энг қудратли қалқон – она тилидир.

Психолог ва педагогларнинг таъкидлашича, бола дунёни қайси тилда англаса, унинг миллий руҳияти, тафаккури ва дунёқараши ҳам айнан ўша тил асосида шаклланади. Агар фарзандимиз бешикдалигида она алласини, ундан кейин эса ўзбек халқ эртаклари ва достонларини ўз тилида эшитиб улғайса, унинг қалбида миллий қадриятларга, урф-одатларга табиий бир боғлиқлик пайдо бўлади

Инсон ўзликни, дунёни танигани сари бир ҳақиқатни чуқурроқ англаб боради. Ватанпарварлик – энг аввало, миллатнинг энг катта бойлиги, унинг борлиғи ва қиёфаси бўлмиш она тилини асрашдан, уни эъзозлашдан бошланади. Зеро, тил шунчаки мулоқот воситаси эмас, у – миллатнинг руҳи, тарихи ва эртанги кунини белгиловчи бош мезондир. Шу боис ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида она тилига нисбатан чексиз ҳурмат уйғотиш билан узвий боғлиқ.

Агар биз бугун ёш авлоднинг тили соф бўлишини таъминламас эканмиз, эртага миллий ўзлигини йўқотган, аждодлар меросига бегона бўлган бир авлод орамизда пайдо бўлади. Бошқа тилларни ўрганиш – бойлик, аммо ўз она тилини билиш ва уни тоза сақлаш – ҳар бир виждонли инсон учун муқаддас бурчдир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Тренинг

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА ЧЎЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ”

Хитой давлат ўрмон ва яйлов хўжалиги бошқармаси мутахассислари, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон агентлиги масъуллари ҳамда Марказий Осиё давлатлари вакиллари иштирок этган семинар шундай номланди.



Тадбирда Ниншя Хуй автоном районида чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни тиклаш, ўрмон ва яйловларни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда қум кўчишининг олдини олиш соҳаларида амалга оширилган илғор тажрибалар ўрганилди.

Семинар давомида хитойлик мутахассислар томонидан қумли ва қурғоқчил ҳудудларда яшил қопламалар барпо этиш, сувдан тежаб фойдаланиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш ҳамда тупроқ эрозиясининг олдини олиш бўйича амалий ёндашувлар тақдим этилди.

Бир ҳафталик тадбир доирасида Ниншя виночилик ва чўлланишга қарши курашиш касб-ҳунар коллежида малака ошириш курсининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда мазкур коллежнинг таълим дастури, ўқув ва амалий фаолияти ҳамда мутахассислар тайёрлаш йўналишлари ўрганилди.

Шунингдек, Хитойнинг Йинчуан шаҳрида ташкил этилган “Volson” сув тежовчи суғориш компанияси фаолияти билан танишилди. Унда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, томчилатиб ва аниқ меъёрда суғориш, сувни тақсимлаш, бошқариш ҳамда сарфини камайтиришга қаратилган технологиялар амалиёти кўриб чиқилди.

Чўлланишга қарши курашиш, қум бўронларининг олдини олиш, яйловларни қайта тиклаш ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш бўйича маърузалар ҳам тингланди. Галофит ўсимликлари ёрдамида қумли ерлардан самарали фойдаланиш, қурғоқчил ҳудудларда дарахт ва бута ўсимликларини илмий асосда экиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу семинар-тренинг тадбирлари минтақада эко тизимларни қайта тиклаш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда атмосфера ҳавосининг мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади.

ЖАМИЯТ
2026 йил 17 сентябрь № 36 (1003)

ТАБИАТГА ҚАЙТАЁТГАН МЕҲР



Замон тезлашиб, саноат ва урбанизациянинг шиддатли тўлқинлари заминнинг ҳар бир қаричини забт этаётган бир даврда, инсоният ўзи яшаб турган ягона уйи – табиат олдида улкан савол қаршисида қолди.

Асрлар давомида атроф-муҳитга етказилган жароҳатлар, табиий бойликларга нисбатан истеъмолчилик муносабати, оқибатда глобал иқлим ўзгаришлари, чанг ва туз бўронлари, ҳаво таркибининг бузилиши каби жиддий таҳдидларни юзага келтирди. Бу муаммолар шунчаки мутахассисларнинг хавотири эмас, балки ҳар бир хонадон, ҳар бир инсон ҳаётига бевосита таҳдид солувчи омилга айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда экология ва табиатни муҳофаза қилиш масаласи шунчаки навбатдаги давлат тадбири ёки қуруқ рақамлар, расмий ҳисоботлар доирасидаги кампания бўлишдан тўлиқ чиқди. У давлат сиёсатининг энг устувор, стратегик йўналишларидан бирига, миллий масъулият ва аждодлар олдидаги қарз, авлодлар олдидаги бурч даражасига кўтарилди.

Зотан, ота-боболаримиз ҳар бир дарахтни муқаддас билган, булоқларни кўз қорачиғидек асраган, тупроқни меҳр билан парвариш қилган. Табиатга меҳр – бу миллатимизнинг қонида, тарихида, қадриятларида бор бўлган энг эзгу туйғу. Бугун амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, энг аввало, ана шу узилган ришталарни тиклашга, жамиятда экологик маданият ва виждонни янгидан уйғотишга қаратилгандир.

«Яшил макон»: нафақат дарахт экиш, балки миллат руҳиятидаги ислоҳот

Мамлакатимизда кенг қулоч ёйган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ана шу эзгу ҳаракатларнинг амалий ва энг салмоқли ифодаси бўлди. Ҳар йили юз миллионлаб кўчатларни заминга қадаш, шаҳар ва қишлоқларимизда янги яшил ҳудудлар, жамоат парклари, истироҳат боғларини барпо этиш ташаббуси юртдошларимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди.

Ниҳол қадаётган инсон эртанги кунга ишонади, фарзандлари ва набираларининг мусаффо ҳавода нафас олишини истайди. Бу шунчаки кўчат экиш эмас, балки меҳр ва истиқбол уруғини сочишдир.

■ Яшил боғлар ва жамоат парклари: Ҳудудларда минглаб гектар майдонларда янги яшил майдонлар барпо этилиб, аҳоли учун тоза ҳаво ва дам олиш масканлари яратилмоқда.

■ Илмий ва инновацион ёндошув: Эндиликда кўчатларни шунчаки экиб қўйиш эмас, балки ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос дарахт турларини танлаш, автоматик sug'orish ва парваришлаш тизимларини жорий этиш тамойили устуворлик қилмоқда.

■ Рақамлаштириш ва шаффофлик: Экилган ҳар бир дарахтни рақамли хариталарга киритиш, уларнинг парваришини онлайн кузатиб бориш ва электрон реестрларни шакллантириш тизими йўлга қўйилмоқда.

■ Жамоатчилик назорати ва экологик маданият: Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида «яшил ҳаракат» оммалашиб, дарахтларни ноқонуний кесишга нисбатан жамиятда муросасиз муносабат ва қатъий назорат шаклланмоқда.

Инсон ва табиат ўртасидаги азалий мувозанатни қайта тиклаш – бугунги даврнинг энг қатъий талаби. «Яшил макон» лойиҳаси эса бизни ана шу мувозанат томон етакловчи бебаҳо кўприкдир.

Оролнинг «яшил қопламаси»: дунёга ибрат бўлаётган жасорат

Экология ҳақида сўз кетганда, беихтиёр кўз олдимизга Орол фожиаси келади. Бир пайтлар бепоён ва саховатли бўлган бу денгизнинг қуриши Марказий Осиё минтақаси учун улкан синов, битмас жароҳат бўлиб қолган эди. Бироқ сўнгги йилларда Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган мисли кўрилмаган чора-тадбирлар инсон иродаси ва эзгу нияти нималарга қодир эканини бутун дунёга исботлаб бермоқда.

Оролнинг қуриган туби – «Оролқум» саҳросида юз минглаб гектар майдонларда саксовул ва бошқа шўрга, қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил қопламалар барпо этилмоқда.

«Саксовул – шунчаки саҳро ўсимлиги эмас. У шамол шиддатини тўсадиган, ҳаракатдаги қумларни жиловлайдиган, туз ва чанг бўронларининг минглаб километрларга тарқалишига ғов бўладиган табиий қалқондир. Экилаётган ҳар бир саксовул новдаси – Оролбўйи аҳолисининг соғлиги ва эртанги кунига бўлган умид чироғидир».

Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар нафақат Ўзбекистон, балки глобал экологик хавфсизликка қўшилган улкан ҳисса сифатида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Оролнинг қуриган тубида яшил ўрмонзорлар барпо этилиши – бу инсониятнинг табиат олдидаги хатоларини англаб, уни тузатиш йўлидаги буюк жасорати ва матонатидир.

«Яшил иқтисодиёт» ва мусаффо ҳаво: стратегик ташаббуслар

Экологик барқарорликка эришиш фақатгина дарахт экиш билан чекланиб қолмайди. У саноат, энергетика ва транспорт тизимини тубдан қайта кўриб чиқишни, «яшил иқтисодиёт» тамойилларига тўлиқ ўтишни талаб этади. Мамлакатимизда бу борада ҳам пухта ва узоқни кўзлаган стратегик қадамлар қўйилмоқда.

■ Қайта тикланувчи энергетика: Юртимизнинг қуёшли ва шамолли иқлимидан унумли фойдаланган ҳолда, йирик қуёш ва шамол электр станциялари фойдаланишга топширилмоқда. Бу анъанавий ёнилғи сарфини камайтириб, атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини кескин қисқартирмоқда.

■ Чиқиндиларни қайта ишлаш ва "Zero Waste" тамойиллари: Маиший ва саноат чиқиндиларини саралаш, қайта ишлаш ва улардан қайта энергия олиш бўйича замонавий кластерлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

■ Замонавий мониторинг ва «яшил» стандартлар: Шаҳарларимизда ҳаво таркибини доимий кузатиб борувчи автоматлаштирилган станциялар ўрнатилиб, саноат корхоналарига қатъий экологик талаблар ва филтрлаш тизимлари жорий этилмоқда.

■ Транспорт ва эко-ҳаракат: Электромобиллар оммалашиши учун берилаётган имтиёзлар, жамоат транспортини экологик тоза ёнилғи ва электр автобусларига ўтказиш ишлари шаҳарларимиз ҳавоси мусаффолигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Экология ва табиат соғломлиги – бу фақатгина маълум бир вазирлик ёки ташкилотнинг вазифаси эмас. Бу – юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиланинг кундалик маданиятига, турмуш тарзига айланиши лозим бўлган ҳаётий ҳақиқатдир.

Биз фарзандларимизга фақат моддий бойликлар, бинолар ва иншоотлар эмас, балки мусаффо ҳаво, тоза сув, яшнаб турган боғлар ва соғлом атроф-муҳитни мерос қолдиришимиз керак. Уйимиз остонасига экилган битта ниҳол, тежаб ишлатилган бир қатра сув, атрофга улоқтирилмаган бир парча чиқинди – буларнинг бари Ватанга бўлган чин муҳаббатнинг сукутдаги, аммо энг баланд овозли ифодасидир.

Ўзбекистонда экология соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, «Яшил макон» лойиҳаси ва Оролбўйидаги эзгу ишларимиз шуни кўрсатадики, биз табиатга дўст, уни азиз тутувчи ва эртанги кунга ишонч билан қарагувчи буюк келажакни биргаликда барпо этмоқдамиз. Зотан, табиатни асраш – бу ўзлигимизни, миллатимиз нафасини ва келажагимизни асраш демакдир.

Дилбар МАҲМУДОВА,
“Жамият”

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-910
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЖАМИЯТ
2026 йил 17 сентябрь № 36 (1003)



МЕҲНАТ ДАФТАРЧА РАҚАМЛАШТИРИЛГАН БЎЛСА, МУРОЖААТ ҚИЛИШ ШАРТ ЭМАС!

Пенсия — бу фуқаронинг ёши, соғлиғи ёки боқувчисини йўқотгани сабабли давлат томонидан тўланадиган доимий пул таъминотидир. Ўзбекистонда пенсия олиш ҳуқуқи қонун билан белгиланган.

Пенсия ёшига етиб, кўп йиллик меҳнати самарасини кўриш, кексалик гаштини суриш барчанинг ҳаётдаги мақсади ҳисобланади. Бунда, албатта, кекса ёшдаги даромад манбаи – пенсия муҳим ўрин тутади. Шу сабабли барчамиз ёшлик пайтда ўзининг келгусидаги пенсияси ҳақида қайғуриши, бу даврга олдиндан тайёргарлик кўриши лозим.

Пенсия ва нафақанинг фарқи нимада? Ҳалигача ёшга доир пенсия ва нафақа бир тушунча деб ҳисоблайдиганлар жуда кўп, аслида ундай эмас. Пенсия ва нафақанинг фарқи шундаки: Камида 7 йил иш стажига эга бўлган 55 ёшдаги аёллар ва 60 ёшдаги эркаклар ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иш стажи 7 йилга етмаган аёллар 60 ёшдан ҳамда эркаклар 65 ёшдан ёшга доир нафақага чиқишлари мумкин.

Пенсияга тайёргарлик қандай амалга оширилади? деган саволга жавоб фақат битта Расмий меҳнат фаолияти - пенсияга чиқиш кафолати деган бўлардим.

Кўпинча инсонлар қисқа муддатда тез пул топиш учун норасмий ишни афзал кўришади, лекин узоқ муддатда бу турдаги ишлаш кўплаб имкониятлардан маҳрум қилади. Биргина мисол, расмий равишда ишласангиз, келажакда сизга пенсия таъминоти кафолатланади.

Иш берувчи фуқаронинг расмий ишлаган даври ва солиқ тўланган иш ҳақи (даромади) инобатга олинади, шунингдек ҳар ой иш ҳақингиздан Пенсия жамғармасига пул ўтказади. Яъни, фуқаро расмий ишлаб, расмий даромад олган сари йилма-йил пенсияга ҳуқуқи шаклланиб боради. Бу маблағлар орқали сиз келажакда давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Норасмий ишловчилар эса пенсияга чиқиш вақти келганда турли муаммоли ҳолатлар, жумладан пенсияга чиқиш билан боғлиқ муаммога дуч келишлари мумкин.

Шу сабабли, ёшликданоқ доимий равишда расмий меҳнат фаолияти юритишга, расмий иш ҳақи олишга, Пенсия жамғармасига қўшимча равишда ижтимоий солиқлар тўлашга ҳаракат қилиш лозим.

Мамлакатимизда аҳолига пенсия таийнлашда қулайликлар яратиш ҳамда тизимига замоновий ахборот технологияларни фаол тадбиқ этган ҳолда давлат томонидан кўрсатилаётган ҳизматлар сифатини янада ошириш мақсадида бир қанча норматив хужжатлар қабул қилинмоқда, уларнинг барчаси фуқароларнинг бирон бир хизматлардан фойдаланганларида вақтларини сарфламаслик ҳамда ортиқча оворагарчиликларини олдини олишга қаратилгандир.

Хусусан 2025 йил 1 мартдан бошлаб фуқароларга ёшга доир, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси, яъни эркаклар 60 ёшга, аёллар эса 55 ёшга тўлиши муносабати билан уларнинг алоҳида мурожаати талаб этмаган ҳолда тайинланади. Агар фуқаро унинг мурожаатисиз (проактив шаклда) тайинланган пенсия миқдоридан норози бўлса ёки меҳнат фаолиятини давом эттириш ва кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдирса, у тайинланган ёшга доир пенсияни рад этиш ҳуқуқига эга. Бунда фуқаро хабарномани олган кундан эътиборан ўн кун ичида Пенсия жамғармаси бўлимига ариза билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали сўровнома тўлдирилган ҳолда мурожаат қилиши керак.

Фуқаронинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда пенсия тайинлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, пенсия фуқаронинг мурожаатига асосан тайинланади.

Фуқароларга ёшга доир, ногиронлик пенсияларини уларнинг мурожаати талаб этмаган ҳолда, проактив шаклда пенсия тайинлаш учун уларнинг меҳнат дафтарчаларидаги мавжуд меҳнат фаолияти “Ягона миллий меҳнат тизими” ИДАКга тўлиқ киритилиши лозим бўлади.

Шунингдек, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 12^1-моддасига кўра, мазкур Қонун 37-моддасида назарда тутилган камида 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Фуқаронинг бола парвариши (3 ёшгача) даври умумий иш стажига қўшилади, бироқ ушбу давр имтиёзли пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган 20 йиллик иш стажи таркибига киритилмайди.

Шунингдек Қонуннинг 47-моддасига кўра ёшга доир пенсия — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб олтмиш кун ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия умрбод тайинланади. Яна бир қўшимча сифатида имтиёзли пенсиялар фуқароларнинг мурожаатига асосан тайинланади.

Меҳнат дафтарчасини рақамлаштириш нима? Бу – қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасидаги меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотларни электрон шаклга ўтказиш жараёни. Меҳнат дафтарчасини рақамлаштиришни нима афзалликлари бор? Иш фаолиятингизни рақамли тизимда юритиш ва маълумотларингизни хавфсиз сақлаш имконини беради (қоғоз шаклдаги меҳнат дафтарчалари йўқолиши ёки яроқсиз ҳолатга келиши мумкин)

Пенсия тайинлашда меҳнат стажи автоматик аниқланади ва фуқароларнинг ортиқча вақт сарфи тежалади. Давлат хизматларидан тез ва осон фойдаланиш имконини беради.

Пенсияга чиқишда иш стажи билан боғлиқ муаммолар бўлмаслиги учун нима қилиш керак? Бугунги кунда баъзи ҳолатларда пенсия ёшига етган фуқароларга пенсия тайинланишида иш стажи маълумотлари етишмаслик (чиқмаслик) ҳолатлари учраб турибди. Бунга сабаб нима? Маълумки, бугунги кунда Пенсия жамғармаси ҳодимлари эса электрон сўров юборган ҳолда, хар бир фуқаро бўйича электрон маълумотлар олинади ва шу асосида пенсия тайинлаш амалга оширилади. Бунда, меҳнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатлар Пенсия жамғармаси томонидан ЯММТ ИДАКдан фойдаланган ҳолда электрон маълумотлар алмашинуви асосида олинади. Шахснинг иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлари тўлиқ рақамлаштирилган бўлса, “иш стажи етишмаслик” ҳолати юз бермайди. Аксинча, фуқаро ишлаган ташкилот, корхона ва муассасалар қонунчиликка мувофиқ ходимнинг пенсия тайинлаш учун зарур бўлган маълумотларини (меҳнат стажи, иш ҳақи ва бошқалар) my.mehnat.uz тизимига киритмаган тақдирда пенсия тайинлаш вақти келганда “иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар” чиқмаслиги мумкин. Бундай ҳолатга тушмаслик учун расмий меҳнат фаолияти юритаётган барча фуқароларимиздан иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларга эътиборли бўлган ҳолда, иш берувчиларидан барча маълумотларини my.mehnat.uz тизимига киритиб рақамлаштириб қўйишларини маслаҳат берамиз. Шунингдек, фуқаро меҳнат фаолиятини юритмаётган яъни ишсиз бўлса, меҳнат дафтарчаларидаги маълумотлар рақамлаштирилмаган бўлса, яшаш ҳудудларидаги Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига мурожаат қилган ҳолда, меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириб олишлари мумкин. Айтганча, мазкур хизмат мутлақо бепул амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат фаолиятингиз тўғрисидаги маълумотларни ҳозир рақамлаштириб қўйсангиз, пенсияга чиқиш вақти келганда пенсиясини тайинлашда очиқликни ва ортиқча оворагарчиликларни бартараф этиш, бюракратик тўсиқларни қисқартириш, фуқаролар билан бевосита мулоқотнинг йўлга қўйилиши аҳолининг давлатга ишончини мустаҳкамлайди ҳамда адолатли пенсия тайинлашга хизмат қилади. Энг муҳими - фақат расмий шаклда ишлашга ва расмий иш ҳақи олишга ҳаракат қилинг!

Дилшод НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
хузуридаги бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармасининг
Тошкент шахар, Шайхонтоҳур
туман бўлими бошлиғи